



ТОШКЕНТ ОКШОМАИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 63 (10.116)

2004 ЙИЛ 2 АПРЕЛЬ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган



Кичик Ҳалқа йўли доирасига кирувчи Эргашев ҳамда Асомов кўчаларини боғловчи кўпприк курилиши ишларини «Осие кўпприккурилиши трестига қарашли 13-кўпприк курилиш отряди бунёдкорлари амала оширишмоқда.

СУРАТЛАРДА: курилиш майдонида сидкидилдан меҳнат қилаётган курувчилар — Мустафокул Кўчкоров, Олим Султонов ва Кўчкорали Турсунов; фишт төрувчи Юсуф Кўчкоров тез ва соз фаолият кўрсатиб, бунёдкорликка муносиб хисса кўшмоқда.

Ҳакимжон Солихов
олган суратлар.

Пойтахтнинг
дир куни
янгиликлар, воқеалар

КИСКА
сангарда

• **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтиомий ҳаракати Марказий Кенгашида пойтахтимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари Тошкент шаҳар ҳараларининг муносабатини акс этириувчи учрашиб бўлиб ўтди. Унда шахримиздаги мактаблар, ойли ва ўрта маҳсус тавлим мусассасаларида «Камолот» ёшлар ижтиомий ҳаракатининг бошлангич ташкилоти етакчилари катнашдила.

• **МУДХИШ** террорчилик ҳаракатларига норозилик белгиси ҳамда аҳолини оғохлика чакириш, ёвузишка қарши курашишда фаол бўлишларида дайвав этиш максадидаги махаллаларда, корхона, ташкилотларда учрашувлар уюштирилмоқда. Хусусан, Ҳамза туманидаги «Машинасозлар», «Чўйлон», «Маърифат», «Мустақиллик», «Дўстлик» махаллаларида бўлиб ўтган тадбирларда терроризм барча ҳамшаҳарларимиз томонидан кораланди, бу ҳуреилика қарши биргалишиб курашиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

• **ШАҲРИМИЗДА** Бутун жаҳон интеллектул мулк ташкилоти, хитойлик мутахассислар иштирокида мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишда ахборот технологияларининг ролига багишлаб уюштирилган анжуманни хоясига этиди.

• **МЕХР** ва муруват ишли муносабат билан «Камолот» ёшлар ижтиомий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгashi томонидан 21-мехрибонлик уйга телевизорлар совга килинди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий универсitetida ташкил этилган тадбир ўшлар тарбиясини шакллантиришида ўтичувчиликнинг роли масаласига багишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз мунхабирларимиз хабарларидан.

Тинчлик—энг улуғ неъмат ўз уйимизни ўзимиз асройлик

Пойтахтимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлari жаҳон жамоатлиги, жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг этиборини тортди. Бу табии. Бирор ҳориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиздаги вазиятини бузид кўрсатиб, воқеаларни аслидан бошқача талқин этиш ҳоллари ҳам утираб турибди.



САРОСИМАГА ЎРИН ЙЎК

ЎА мұхбirlari пойтахтимиз кўя ва хиёблонларида, майдон ва бозорларида бўлиб, бу ерларда хаёт ўз маромида, одатдагидек давом этәттагина яна бир бор гувоҳ бўлишди. Бозорлар, магазинлар гавжум. Жамоат транспорти ҳар доимига қатъи тартиб асосида ишламоқда. Пойтахтимиз республикамизнинг бар-

ча ҳудудлари ва дунё билан бўлгайдиган темир ўйл ва ҳаро йўлларида поездлар ҳамда кудратли ҳово кемалари одатда гидай қатнамоқда.

Аҳоли ўртасида ҳеч кандай саросима, ваҳима, хавотир ийх.

Буни ушбу сурат ҳам тасдиқлаб турибди.

ЎЗА

ҲАЛҚИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛАМИЗ

Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлari эртанинг куна ишонч билан яшаётган, Президентимиз томонидан яратиб берилган катта имкониятлардан фойдаланиб, нуғузли имраро даргоҳларидаги тавлим олаётган, ўзларини шу ѹртингиз асл фарзанди деб билган ёшлар қалбидаги ҳаҳр-ғазаб туйғусини аллангалият юборди.

Террорчи тўдларнинг бу ҳаракатлari осоишига ҳаётимизни маромидан чиқаришга, одамлар орасида ҳавотир ва вахима кўзғашга қаратилгани аник. Тажовузлар натижасида ҳаҳл бўлган ва жар кўрганлар орасида ёшлар ҳам борлиги янада ачинарлидир.

Юртбонимиз ўзбекистон тарбиясида ўтичувчиликнинг роли масаласига багишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз мунхабирларимиз хабарларидан.

ЁШЛАР ТЕРРОРГА ҚАРШИ

«Камолот» ёшлар ижтиомий ҳаракатининг Шайхонтохур тумани бўлнимидаги туман ёшлари ва Ўзбекистон билан яқиндан танишиши ниятида АҚШ ойли ўқув юртларидан келган талаълар юртларидаги давра сұхбати ўтказилди.

Анжуман иштирокчилари бўлиб ўтган мудхиш ҳодисаларга ўз нуктаи назарларини билдиришар экан, бундай воқеалар ёшларни бирлаштиришга чорлашини таъкидлайди.

Иғилицида катнашган АҚШ ёшлари 2001 йилнинг 11 сентябринда АҚШда содир булган террорчилик ҳаракатлariни ҳам ёдга олиши. Улар террорчилик ҳаракатлariни билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, бу факат тинчликни издан чиқаришдан иборат эканлигини, ҳаҳон ёшлари мамлакатлар тинчлиги йўлида бирлашиб, ёвузишка қарши ўз билими ва бирдалиги билан жавоб қайтиришларини айтишиди.

И.ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги- нинг расмий хабари

2004 йил 31 марта куни кечкун соат 20.00 атрофида Тошкент шаҳар, Собир Рахимов тумани, Чимбой тор қўчаси, 12-йўл яшови, 1965 йилда тугилган Қилинбек Азимбеков хукуктартиби органлари ходимлари томонидан ўтказилган текширув чоригида портлатиш воситаси ёрдамида ўзини ўзи ўлдирган.

Аҳоли ва ички ишлар ходимлари орасида курбон бўлган ва шикастланганлар йўқ.

Ушбу ҳолат бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

XXI сафоси
Барча макбалардан
онлигдан сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган мудхиш террорчилик ҳаракатлari муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар раҳбарларидан чукур ҳамдадрллик билдирилган мактублар килиши давом этимоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси тасининг йигилишида «Давлат тили ҳақидағи Ўзбекистон Республикаси Конунининг Фарғона вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала мухкамаси килинди.

• Тошкентда «Ўзгўштуссаноат» уюшмаси ва «Вимми-Билль-Данн Озиқ-овқат масулотлари» (Россия) компанияси ўртасида «Тошкент-сүр» очик акциядорлик жамиятига инвестициялар жалб қилиш бўйича меморандум имзоланди.

• Мебели ишлаб чиқаришга ихтиослашган республика корхоналари мактабларни мебеллар билан жиҳозлаш бўйича ўтказилган минтақавий тендерда иштирок этишиди. Унда Тошкент шаҳри ва Бухоро, Навоий, Фарғона вилоятлари корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш килиди.

• 2004 йилнинг ўтган ойларида Коракўл туманидаги корхона, ташкилот, мусассаса ва ширкат жўжалапларни томонидан мактабларга 21.31 миллион сўмлик хомийлар ёрдами кўрсатилди.

• Буҳорада 53 ўрини «Карвон» хусусий меҳмонхонаси ўз фаoliyнинг бошлади.

• Ўтган йил якунларига кўра, Гиждувон туманинда 1,2 бараварга кўлайди — хозирда уларнинг сони 2200 дан ошиб кетди.

Жонданда

• АҚШ Президенти Жорж Буш Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Руминия, Словения ва Словакияни НАТОга аъзо бўлиб кириш муносабати билан самимий кутлади. Шунга багишлаб ўтказилган тантаналарда мазкур давлатларнинг бош вазирлари, ташилар ва мудофаа вазирлари, НАТОнинг Бош котиби иштирок этиди.

• Швейцарияда БМТ бошчилигидаги Кипр оролини бирлаштириш масаласига багишланган учрашиб бўлиб ўтди. Унда БМТ Бош котиби Кофи Аннан оролни бирлаштириш рехжасининг охирги вариантини тақдим этиди.

• Филиппин ҳукумати мамлакатнинг катта ҳудудида ҳаракат қилаётган исенчилар билан 6 ой муддатга ярашув битими тузилишинин ёзлон қилди.

• Таиланд жанубидаги экстримистик гурӯх Малайзия билан чегарадоши Либон шахридаги тошмадалаш корхонасига хужум уюштириб, 1,5 тонналик портлатиш курилмаларини олиб кетди.



Гошкентдаги «2-автомобилин» очик акциядорлик жамияти йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида йигирмата «Матиз» автомобилини лизинг асосида сотиб олди.

- Ўтган йили «Ўзбек Лизинг Интернейшнл» кўшма корхонасидан лизинг асосида йигирмата «Ўзотайўл» микроавтобуси ва ўн саккизга «Матиз» харид қилган эдик, - дейди «2-автомобилин» очик акциядорлик жамияти бошқарувчи раиси Обид Кўчкоров йўзА мухабирiga. - «Матиз» йўловчилар учун кулай ҳамда техник жиҳатдан пишик бўлгани учун комбинатимизда яхши даромад келтиряпти.

Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг кескин яхшилиниши туфайли ўтган уй ойда юз миллион сўм фойда олинди.

СУРАТЛАРДА : корхона фаолиятидан лавҳалар.



«ИМОН»НИНГ ЭКРАН ТАЛҚИНИ

Ўзбек кино усталири томонидан яратилётган бадиий фильмлар томошабинларда катта қизиқиши ўйғотмоқда. «Чархпалак», «Кўнгил кўчалари» каби телевизион фильмлар ҳам ана шундай яхши ижод намуналари ҳисобланади.

Томошабинларга яна бир қизикарли экран асарини тақдим этиш тарафдуда кўрилмоқда. Бу кўп қисмли телевизион картина «Имон» деб номланади.

Маълумки, атоқли драматург Иzzat Султоннинг шу номли драмаси саҳналаштирилиб, кенг шуҳрат қозонган эди. Академик драма театридаги по-

становкаси эса умрбокийлиги билан эътиборни ўзига тортади.

Эндиликда ба асар ўзининг экран талқинини топмоқда. Ўйлаймизки, истеъоддли кинорежиссёр Баходир Аҳмедов томонидан суратга олинаётган «Имон» фильми томошабинларга яхши армуғон бўлади.

Акбар Йўлдошев

Сакнот

КЎНГИЛГА ЯҚИН СИЙМО

Бугунги кунда барчамизинг хонадонимизга ўзгача бир иликлиқ олиб келадиган, қарийб 43 йилдан бери экранларимиздан тушмай, ёшу кекса муҳлисларга бирдек манзур бўлиб келаётган «Махаллада дув-дув гап», «Истиқбол йўли» фильмлари орқали яхши таниш Роза Ризамуҳамедова ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Севимли актрисамиз яратган образларида ўзбек қизларига хос иффат, латофат, ўзгача бир самимият барчамизинг юракларимизга кириб, қонконимизга сингиб кетган.

Мен ҳам болалик давларимдан «Махаллада дув-дув гап» фильмини севиб томоша қиласар, ўндаги қаҳрамонларнинг барча сўзларини ёддан билар, уларга таклид қиласардим. Айниска фильмдаги Умидга образи менга жуда ёкар, шу қаҳрамонга хар томонлама ўхашани хоҳлардим: қатъиятли, мағур, шўх, шаддод, тўғри сўз ва албатта бош қаҳрамонларга хос гўзал бўлган. Улар менинг энг севганд актрисаларимдан бирига йўланган эдилар. Доимо уларни ҳаётда оддий аёл сифатида кўришини, самимий сухбатлашини хоҳлардим, орзу қиласардим.

Куни кече устозимиз Ҳамидулла Акбаров, машҳур даҳогонам Санобархон билан йиллаб орзулаб ўрган режамни рёбга чиқармок мақсадида актрисамиз хонадонига йўл олдик. У ерда бизни юртимиз сўйган актриса, машҳур композитор Сайфи Жалилининг рафиқаси, иккى фарзанднинг онаси, турт набиранин бувиси бўлмиш Роза Ризамуҳамедова кутуб олдилар. Роза опани зидманд кузатар эканман, ҳар бир актриса қандай роль ўйнамасин, озгина бўлсада ўзлигидан, табиатидан келиб чиқиб ижро этиши-



изини қолдирган бўлсада, ўша 19 ёшдаги Умиданинг қақнан турган кўзлари, мафтункор табассуми, сехрли нигоҳлари уларни тарк этмагандек туюлди. Аслида ҳам шундай.

Кинодаги фаолиятлари тўғрисида гап кетгандаги кинога тасодифан келиб колгандарини айтдилар. Уллари киностудия ёндида жойлашган бўлиб, ишдан кайтайдан оддийгини кизга режиссёrlарнинг нигоҳи тушиб синовга тақлиф килишганини эсладилар.

Суратга олиш жараёнлари оғир кечмаганини, фильмда улар билан бирга ижод қилган Ҳамза Умаров, Марям Ёкубова, Раззоқ Ҳамроев, Раҳим Пирмуҳамедов каби устоз санъаткорлардан актёрлик сирларини ўрганиб, роль устида тинмай ишлаб, изланниб, ижобий натижаларга эришгандарини сўзлаб бердилар.

Шахсий ҳаётлари, турмуш ўртоклари билан қочон, каерда, қандай танишганларни хотирлар эканлар гоҳ у кишини эслаб кувонар, гоҳ армон, гоҳ ҳазил-хузил билан, гоҳ бундай азиз инсон ёруғ дунёни бевакъ тарк этганидан афуссланиб кўйинардилар. Турмуш ўртолклари Сайфи Жалил ижодкор бўлганиларни, уларга шароит яратиб бериш мақсадида, оила ташвишлар билан композиторни чалгитмаслик сабабидан кинодаги фаолиятларини тарк этиб, ўзларини факат оипаларага, фарзанд тарбиясига бағишлагандарини айтдилар.

Кинодаги фаолиятлари, ҳаётлари, биринчи муҳаббатлари ҳақида жўшиб гапирад эканлар, бу инсоннинг чексиз меҳридан дарак берувчи, чукур самимиятга тўла ҳикоялари Роза опанинг ички дунёлари нихоятда гўзалигидан дарак бериб турарди. Хозирда эса улар тикувчилик билан шуғулланишини, бу соҳага ўшликтан қизикканликларини айтиб, баъзи бир тиккан либосларини кўрсатдилар.

Суҳбатимиз яқунланиб, уйга қайтар эканмиз, амин бўлдики, тиниб-тиничаси, грайрати бу аёл қай бир соҳада бўлмасин санъатга бўлган меҳр уларни ўч қачон тарк этмаган.

Камола МАХМУДОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.
СУРАТДА: Роза Ризамуҳамедова «Истиқбол йўли» фильмида Замира ролидар.

ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Мактабгача таълим муасасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва мақасини ошириш бўйича Республика ўқув-методик марказида умумий ўрта таълим мактаблари учун ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ўқув жиҳозлари кўргазмаси очилди.

Халқ таълими вазири Р.Жўраев кўргазмани очар экан, юртимизда Кадрлар тайёрлаш милий дастури ҳамда Президентимизнинг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ғи фармойиши изчиллик билан амалга оширилаётганини қайд этди. Барча умумий таълим муассасаларида мактаб паспортлари тузилмоқда, илм даргоҳларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор каратилмоқда.

Кўргазмада мамлакатимиз корхоналаридан ишлаб чиқарилган ўқув лаборатория жиҳозлари, кўргазмали куроллар, мебель ҳамда спорт жиҳозлари - жами уч юз хилга якин ўқув маҳсулоти намоноиши этилмоқда. Бу ерда шунингдек, янги маърифий дастурлар, электрон дарсликлар, ўқув адабиётлари, кўлланмалар на-муналари билан ҳам танишиш мумкин.

Кўргазма икки ой давом этиди.

«02»: ҲОДИСАЛАР

Жамиятдаги ўзгалар молмуклига кўз олайтирадиган нопок кимсалар ҳам учраб туради. Шу тоғифа мансуб шахсларнинг содир этидан калтис ҳаракатлари натижасида беайб фуқароларимиз жаҳр тортиб қоладилар.

Куни кече Ҳамза тумани, Фалабанинг 40 йиллиги даҳаси, 2-уй, 25-хонадонда истикомат килувчи фуқаро Л.Рахмонова ҳам кутимагана хонадонига бостириб кирган номалым шахснинг вожоатидан кўркиб кетди. Ўй бекасининг айни дамда химоясизлигидан унумли фойдаланишга аҳд қилган ҳалиги боскични тезлик билан «пинчка илингалик» нарсаларни топиб беришни талаб килибди. Аммо вакт тигизлиги боис режасининг амалга оширилганни дамада калтисида ҳақотирга тушган ушбу ноташни йигит хонадон соҳибаси ва унинг тўқизаси ёшли набирасининг кўл-оёқларини боғлади-да, ўзи жавонларни титклишга тушди. Орадан бирор фурсат ўтар-ўтмас у 50 АКШ доллари, 25.000 сум пул, тилла зиррак ва битта тилла занжирни кўлга киритиб, кўздан гойб бўлди.

Мазкур жиноят тўғрисида тумани ИИБ навбатчилик қисмига хабар берилгач, воқея жойида зудлик билан ҳозир бўлган тезкор тергов гурухи вакилларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида боскични ушланди. Аниқланнича у, Қ.Абдабов кўчасида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган Ч.Алексей экан. Эндиликда ушбу йигитнинг калтис ҳаракати учун конун олдида тегиши жазосини олиши тайин.

• Чилонзор тумани, Ҳаллар дўстлиги кўчасида яшовчи, хеч қаерда ишламайдиган, мукаддам судланган З.Александр исмли шахса ҳам яна жиноятга кўл урди. «Ўрганган кўнгил ўртсанса кўймас», деганларидек, у ярим кечаси қалтис режасини амалга оширишга бел оғлади. Туманинг 2-мавзесида жойлашган 57-уй, 27-хонадонга калит танлаши ўйли орқали кириб олған ўғри кўп ўйлаб ўтирасдан. хонадон соҳиби Р.Рахимовга тегиши нарохи 200.000 сўмлик «Шарп» телевизорини ўғирлаб «куён» бўлди. Аммо бирорининг молига кўз олайтиранг ушбу шахсга ҳам ўлжаси барака келтириш ўрнига юзининг шувут бўлиб колишига сабаби бўлди холос.

• Жиноят оламининг ушбу йигирлик деб аталими «соҳа»си ортидан кун кечиришга оғадланганлардан яна бири, Чилонзор туманинг истикомат килувчи, илгари ҳам судланган бўлишига қарамай, ҳанузгача ҳалол меҳнат килишга оғадланмаган Г.Кирилл бугун яна ички ишлар бўлимида ўтирибди. Тезкор-тергов гурухи ходимларининг аниқланшича у, 19-мавзе, 44-йининг фуқаро А.Зиятова тегиши хонадоннинг эшик қулфини бузиш орқали кириб, ичкаридан калтисида ҳаракатларини тарк этиб, ўзларини факат оипаларага, фарзанд тарбиясига бағишлагандарини айтдилар.

Самариддин ҲАЛИЛОВ, Тошкент шахар ИИБ Матбуот маркази инспектори

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2004 йилнинг 2,6,9,13,16,20,23,27,30 апрель ва 4,7,11,14,18,21,25,28 май кунлари
аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилади:

**Тошкент шаҳри ҳудудидаги қуйидаги манзилларда жойлашган ер
участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуки:**

Ер участкасининг жойлашган манзили ва сатчига	Бошлангич нархи, сўм	Курилиши кўзла тутилган иншоот	
1	2	3	
Акмал Икромов туманида			
Ҳ. Турсункулов кўчаси, 15-17 уйлар оралигига, 0,05 га	5 598 018	Минимаркет	
25-мавзела, 0,04 га	4 594 068	Супермаркет	
Лутфий кўчасида, 0,07 га	7 171 218	2-қаватли савдо расталари	
Ҳ. Турсункулов кўчасида, 0,1 га	11 411 268	Супермаркет	
24-мавзела, 0,01 га	3 660 268	Минимаркет	
24-мавзела, 0,22 га	20 919 468	Гузар мажмуаси	
24-мавзела, 0,04 га	4 328 268	Минимаркет	
Заргарлик кўчасида: - иккита, ҳар бири - 0,02 га/дан	3 717 768	Минимаркет кўрсатиш мажмуаси	
- иккита, ҳар бири - 0,08 га/дан		Минимаркет ва савдо мажмуаси	
Сегизбоев кўчаси: - 39-й ёнида, 0,04 га	5 080 068	Савдо ва маший хизмат кўрсатиш шоҳобчаси	
- 36-й ёнида, 0,03 га	3 955 068		
- 36-й ёнида, 0,04 га	5 080 668		
- 27-й ёнида, 0,06 га	7 331 868		
Бектемир тумани			
Соловьев кўчасида - олтига, ҳар бири 0,02 га дан	4 074 268	Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
«Сувчи» даҳасида - иккита, ҳар бири 0,06 га дан	5 132 268		
Ҳ. Бойқаро кўчасида, 0,02 га	30 754 268	Автомобиллар ювиши шоҳобчаси	
Ҳ. Бойқаро кўчасида, 0,02 га	1 681 000	Супермаркет	
Ҳ. Бойқаро кўчасида, 0,03 га	2 118 000	Маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Тошкент ҳалқа йўлида, 0,18 га	14 157 468	Мотель, ресторон	
Лойиҳадаги Г-40, м (Ж.Астонов) кўчасида, 0,40 га	100 913 468	Сувлитилган газ ёнига йўлиш шоҳобчаси	
Лойиҳадаги Г-60, м (Қўйлиқ) кўчасида, 0,02 га	1 681 000	Савдо дўкони	
Оҳангарон шоҳ кўчаси, «Сувчи» даҳасида, 0,03 га	5 132 268	Савдо мажмуаси	
Мирзо Улугбек тумани			
Гулсар кўчасида, 0,015 га	4 277 250	Дўкон	
Лафар кўчасида, 0,032 га	3 559 640	Минимаркет	
Ҳ. Абдуллаев кўчасида, 0,078 га	5 122 332	Супермаркет	
Ҳ. Абдуллаев кўчасида - тўртта, ҳар бири 0,06 га	4 055 868	Иккى қаватли савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Матқубилов кўчасида: 0,044 га	5 415 628	Савдо ва маший хизмат мажмуаси	
0,036 га	4 536 108		
0,035 га	4 426 168		
0,06 га	7 174 668	Музқаймоқ қадхахонаси	
Темур Малик кўчасида, 0,05 га	31 007 268	Автоювни шоҳобчаси	
Кодиров кўчаси, «Феруз» мавзесида: - 0,05 га	4 614 768	Савдо ва маший хизмат кўрсатиш иншоотлари	
0,08 га	6 175 548		
- тўртта, ҳар бири 0,04 га/дан	3 807 468		
- учта, ҳар бири 0,07 га/дан	6 229 368		
Мирород тумани			
У. Олимбеков кўчасида, 0,06 га	5 250 600	Чойхона (муҳандислик иншоотларидан масофа саклган ҳолда мажмууд дараҳатларни саклаб қолиш шарти билан)	
Бехтерев кўчасида, 0,045 га	31 103 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювни мажмуаси кўриш учун (муҳандислик иншоотларни кўчириш шарти билан)	
Бехтерев кўчасида, 0,04 га	4 258 268	Стоматология	
Бехтерев кўчасида, 0,04 га	4 258 268	Дорихона	
Фиррат кўчасида, 0,03 га	2 173 200	Савдо дўкони	
Собир Раҳимов тумани			
Юнусов кўчасида (банк коллежи рўпаратсида), 0,06 га	3 890 268	Иккى қаватли қадхахона	
Юнусов кўчасида (банк коллежи рўпаратсида), 0,04 га	3 669 468	Иккى қаватли дўкон	
Сағбон кўчасида - иккита, ҳар бири 0,06 га/дан	8 885 868	Иккى қаватли савдо-маший хизмат кўрсатиш ва умумовқатланиш мажмуалари	
Сағбон ва Зиёмов қўчалари бурчагида, 0,20 га	20 551 468	Савдо-маший, умумий овқатланиш мажмуаси	
Фаробий кўчасида, 0,05 га	30 417 250	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювни мажмуаси	
Сергели тумани			
Сергели кўчаси, «Сергели» даҳаси, 3-мавзела, 0,054 га	5 012 208	Умумий овқатланиш мажмуаси ва дўкон	
«Спутник» даҳаси, 10-мавз., Смоленск кўчасида, 0,08 га	5 576 268	Иккى қаватли ошхона ва чойхона	
«Қўйлиқ» даҳаси, 5-мавз., Ким-Пен-Хва кўчаси, 0,01 га	2 832 268	Фитобар ва дўкон	
Юнусобод тумани			
19-мавзела, 0,015 га	4 102 443	Иккى қаватли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси	
«Марказ» даҳаси, 5-мавз., 0,02 га	10 403 868	Савдо, маший хизмат кўрсатиш ва овқатланиш мажмуаси	
Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, 19-мавзела тўртта, ҳар бири 0,02 га/дан	3 919 708	Иккى қаватли савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Мойкўргон кўчасида, 0,02 га			
А.Дониш кўчаси, 19-мавзела, 0,02 га	3 581 148	Иккى қаватли офис, савдо-маший хизмат кўрсатиш ва овқатланиш мажмуаси	
А.Дониш кўчаси, 12-мавзела, 0,02 га	3 669 468	Иккى қаватли савдо-маший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси	
M.Мирзаев кўчаси, 19-мавзела - учта, ҳар бири 0,04 га/дан	3 710 868		
Чимкент йўлида, 0,04 га	5 293 268		
Мирзаҳамед кўчаси, 8-мавзела, 0,02 га	3 595 868	Иккى қаватли савдо-маший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарти билан)	
«Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзела: - 0,06 га	3 592 188	Савдо-маший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси	
- 0,04 га	3 448 668		
M.Мирзаев кўчаси, 13-мавзела, 0,015 га	4 801 068	Иккى қаватли савдо-маший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарти билан)	
Г.полковник Ҳўжаев кўчасида, 0,03 га	3 432 750	Савдо манзий хизмат кўрсатиш мажмуаси	
M.Мирзаев кўчаси 13-мавзела 0,02 га	6 208 668	Иккى қаватли савдо-маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Муродов кўчаси, 3-мавзела, 0,02 га	5 159 868	Иккى қаватли савдо-маший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарти билан)	
M.Мирзаев кўчасида, 0,02 га	6 208 668	Иккى қаватли савдо-маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Тошкент ҳалқа автомобил йўлида - ўн иккита, ҳар бири 0,04 га/дан	4 902 268	Иккى қаватли савдо-маший хизмат кўрсатиш мажмуалари ҳатори	
Чилонзор тумани			
Қадортол кўчасида, 0,03 га	3 456 600	Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси (телефон ва кам кувватли электр тармоқларини кўчириш шарти билан)	
1-мавзела, 0,025 га			
Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	3 706 268		
1-мавзела, 0,027 га			
Савдо дўкони	3 956 508		
3-мавзела, 0,015 га			
3 735 018			
3-мавзела, 0,036 га			
5 629 068		Ёзги қадхахона	
16-мавзела, 0,045 га			
6 446 718		Иккى қаватли савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларни кўчириш шарти билан)	
16-мавзела, 0,04 га			
5 794 668		Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
16-мавзела - иккита, ҳар бири 0,015 га/дан			
3 708 108		Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларни кўчириш шарти билан)	
«И-24» мавзесида, 0,018			
3 608 748		Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси (кам кувватли электр тармоғини кўчириш шарти билан)	
2-мавз., Арнасой кўчасида, 0,036 га			
2 645 160		Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси (канализация тармоғини кўчириш шарти билан)	
3-мавзела, 0,03 га			
4 787 268		Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси (чикиниларни йўниш майдончасини кўчириш шарти билан)	
С.Юсупов кўчасида - тўртта, ҳар бири 0,018 гадан			
2 480 268		Савдо ва маший хизмат кўрсатиш растаси	
Ҳамза тумани			
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесишиуда, 0,05 га	4 839 018	Гузар, маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесишиуда, 0,05 га	10 100 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш	
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесишиуда, 0,35 га	33 905 268	Минизавод	
3.Шамсудинова кўчасида, 0,03 га	3 645 318	Қадхахона-ошхона	
3.Шамсудинова кўчасида, 0,03 га	3 645 318	Маший хизмат мажмуаси	
Элбек кўчасида, 0,03 га	3 821 268		
Элбек кўчасида, 0,03 га	3 821 268	Фонизиган ва Лисунов кўчалари, Корасув канали 0,16 га	
Оҳангарон шоҳ кўчасида, 0,40	38 666 268	Минизавод	
Оҳангарон шоҳ кўчасида, 0,02 га	3 625 308	Дўкон	
Кадишиев в Сивея кўчалари кесишиуда, 0,03 га	3 766 068	Маший хизмат биноси	
Лисунов ва Изят кўчаларида, 0,03 га	3 574 938	Минимаркет	
Калишев кўчасида, 0,03 га	3 574 938	Оғиз-оқиат дўкони	
Бирлашибар кўчасида, 0,03 га	3 574 938	Маший хизмат мажмуаси	
Куручилар кўчасида, 0,02 га	2 782 400		
3.Шамсудинова кўчасида, 0,12 га	30 185 400	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювни мажмуаси	
Куручилар кўчасида, 0,06 га	2 559 600	Савдо мажмуаси	
Шайхонтоҳум тумани			
Белтепа-Жарарик мавзеларидаги: 0,04 га	4 759 668	Савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Белтепа мавзеси, Тошкент автомобил ҳалқа йўлида, 0,04 га	3 664 868	Иккى қаватли савдо дўкони	
Белтепа мавзеси, Тошкент автомобил ҳалқа йўлида, 0,06 га	5 595 948	Иккى қаватли курилиш моллари дўкони	
«Чорса» мавзесида, 0,02 га	7 087 268	Озиқ-онқат дўкони	
Уйгуру кўчаси, Янги шаҳар маҳалласида, 0,16 га	10 672 508	Ишлаб чиқариш корхонаси	
Есенин ва Вурғун кўчалари кесишиуда, 0,0096 га	3 025 468	Савдо дўкони	

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОИНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОИНЛАР

Ер участкаларининг узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошлангич нархларига ер участкасининг лойи-ҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш ҳаражатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига қўйи-дагилар киради:

1. Ер участкасининг чегараси;
2. Меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-1, АПЗ- II;
3. Топографик съемка, масштаб 1:500;
4. Муҳандислик- геологик хулоса;
5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.

- Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасига қарашли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сурхон кўчаси, 26-йида жойлашган «КОММУНАЛ ТА'МIR» шўъба корхонаси. Бошлангич нархи 10 242 100 сўм ёки 12 489 АҚШ доллари.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чигатой Оқтепа қ.ф.й., Минвода кўчаси 7-йида жойлашган «IPAK AUTO» масъулияти чекланган жамиятининг:

- 1987 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-ММЗ-45021 русумли давлат белгиси 10AJ851. Бошлангич нархи 1029000 сўм.
- 1987 йилда ишлаб чиқарилган УАЗ-3303-01 русумли давлат белгиси 10AJ 864. Бошлангич нархи 608 000 сўм.
- 1988 йилда ишлаб чиқарилган ПАЗ-672 русумли давлат белгиси 10AJ 855. Бошлангич нархи 1 845 000 сўм.
- 1980 йилда ишлаб чиқарилган ЛАЗ-697 Р русумли давлат белгиси 10AC 917. Бошлангич нархи 2 968 000 сўм.
- 1989 йилда ишлаб чиқарилган КАЗ-3270 русумли давлат белгиси 10AJ 844. Бошлангич нархи 1 625 000 сўм бўлган автотранспорт воситалари.

- Тошкент шаҳар, Чўпонота кўчаси, 6-йида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 303 бўлган нексия

русумли автотранспорт воситаси қўйилади. Бошлангич баҳоси 2 570 000 сўм.

- Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Халқлар дўстлиги кўчаси, 35-йида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 77-99 ТНА бўлган «ВАЗ 21013» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 430 000 сўм.

- Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6-йида жойлашган, умумий майдони 93 кв.м., бошлангич нархи 6 516 323 сўм бўлган бино.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18:00 да, бино ва иншоотлар ҳамда автотранспорт воситаларига савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошлангич нархдан 5 фоизи миқдорида, бино ва иншоотлар ҳамда автотранспорт воситалари учун бошлангич нархдан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг «Ўзийжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидағи ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Савдолар соат 11:00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А»-йида ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

Газетанинг 2004 йил 2 марта 42-сонида «Диққат, аукцион» сарлавҳали реклама эълонида «Чимён» фирмасининг давлат белгиси 10AC 771 бўлган, «ГАЗ 31029» русумли автотранспорт воситаси; давлат белгиси 10AC 419 бўлган, «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси; давлат белгиси 10AC 839 бўлган, «Ауди-200» русумли автотранспорт воситалари савдолардан олинганинги маълум қиласди.

**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль Ҳалқа йўлида жойлашган
«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очиқ акциядорлик жамияти
жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси**

**2004 йил 12 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Тошкент Ҳалқа йўлида жойлашган
жамият маъмурини биносида ўтказилишини ўз акциядорларига маълум қиласди.**

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият Кузатув Кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги хисоботини кўриб чишиш.
2. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш.

**Акциядорлар соат 10.00 гача рўйхатга олинади.
Кўшимча маълумот учун телефон: 195-96-52**

Кузатув Кенгаши

3. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ акциядорлари реестри 2004 йилнинг 22 февраль ҳолатига ёпилган.

МУҲАЖЖИМЛАР БАЙОРАМИ

5 – 11 апрель

Кўй (21.03-21.04) —

Ушбу ҳафта нима иш билан машғул бўлишингиздан қатъий назар меъёрдан чиқишидан сақланинг. Бу ишдаги муваффақиятингизга таъсир этиши мумкин.



Бузок (22.04-20.05) — Дўйстларингиз маслаҳатига кўнмаганингиз маъқул. «Ишонмагин дўстингга, сомонтикар пўстингга» деган мақол бежиз айтилмаган.



Эгизаклар (22.05-21.06) — Тадбиркорлик фаолиятингизда бироз тўсикларга дуч келишингиз мумкин. Ҳамкорларингизнинг хатти-харакатларини ҳушёрлик билан кузатинг.



Кискичбака (22.06-22.07) — Ўз хис-туйуварларингиз, кечинмаларингиз таъсиридан чиқиша, қатъиятли бўлишга урининг. Акс ҳолда бу ишингизга салбий таъсир этади.



Арслон (23.07-22.08) —

Бу ҳафта сиз ўзингиз учун керакли маълумотларни ўз вақтида билиш имконига эга бўласиз. Айrim майда гапларга эътибор қилманг.



Паризод (23.08-22.09) — Шу кунларда ҳаётингизда кутилмаган қувончили воқеалар соид бўлиши мумкин. Ишдаги муваффақиятингиз айниқса эътиборли бўлади.



Тарози (23.09-22.10) — Сизга хос бўлган дипломатик қобилият айни кунларда аскотади. Атрофингиздаги кишилар сизга хайриҳоҳлар.



Чаён (23.10-22.11) — Бу ҳафта уй-жой, кўчмас мулк билан боғлиқ муммаларни муваффақиятли ҳал этасиз. Қўлингизга катта даромад келиши эҳтимол.



Үқотар (23.11-21.12) —

Айни кунларда касбий фаолиятингизни янада бойитиш ва мумкаммалаштириш билан банд бўласиз. Янги иш таклиф килишлари мумкин.



Тоф эчкиси (22.12-19.01) — Ушбу ҳафта ҳамкорликдаги турли молиявий ишлар сизга омад келтиради. Бошлаган ишларингиз куттанингиздан ҳам зиёда бўлади.



Ковға (20.01-18.02) — Айрим вақтларда тезкор ҳаракатингиз, шошқалоклигингиз панд бериб кўяди. Ҳар бир ишни чукур мулҳоза билан бошласангиз самарали кечади.



Балиқ (19.02-20.03) — Обрў-эътиборли кишилар билан мулқотингиз сизга фойда келтириши мумкин. Билдирилган ишончни тўла оқлашингиз, топширилган вазифани ўз вақтида сифатли бажаришингиз, келгусида сизга ўз натижасини кўрсатади.

Қулайлик

САЛОМАТЛИК АВТОБУСИ АЖРАТИЛДИ

Транспортчилар саломатлигини янада яхшилаш йўлида бу тиббиёт-санитария қисмида қатор ибратли жараёнлар амалга оширилмоқда. Чиндан ҳам «Тошхарийўловчitrans» давлат ўюшмасига қарашли мазкур йирик шифохона хизматидан транспортчилар мамнун.

Флюорографик тиббий муолажани ташкил этишига қаратилган сайди-ҳаракат ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда. Уюшманинг биринчи автобус саройи ҳамда 2-автобус таъмирлаш заводи томонидан махсус ажратилган транспорт воситаси флюорографик аппаратлар билан жиҳозланди. Бу эса ушбу саломатлик автобусида йўл-йўлакай транспортчилар саломатлигини кўрилганда имконини бермоқда.

Саломатлик автобусига малакали мутахассислар биринчирилди.

Акбар АЛИЕВ

Шарқ дурданалари

Оз-оз ўғанниб
домо бўйнур...

• Қадр-қимматини эъзозлайдиган одам ҳокисор, камтар, камсукум, иззатнафели, орияли, адолатли ва ҳамияти бўлади, ўз шавнига диг тушмайдай. Қадр-қиммат ҳақида гап борар экан, баъзи яхши фазилатларга керагидан ортиқча тус берилганда бошқача маъно касб этиб, хунук булишини ҳам айтиши керак. Масалан, ҳокисор бўлиши яхши, лекин ўз ҳокисорлик қилинаверса, яхши-ёмонга бўйни элизаверса, бундай солда, оддий, самимий ва кўнгли бўш кишини калака қиласидан, фириб бериб кетадиган туллак кимсалар ҳам учраб туради.

• Камтар-камсукум бўлганда ҳам ўз иззат-нафсини саклаш, қадр-қимматини билиш зарур. Камтарлик ҳар кимсага эгилши, ўзини ҳаммадан паст тутиб, ҳасчўйдек хор-зор тарзидан кўрсатиш эмас. Бу ҳақла доно ҳикмат ҳам бор:

Этилганга эгилгин — бошинг ерга теккуня.

• Иззат-нафсини ерга уриш, бирор нарса илинжиде еллатак бўлиш, ўз иъон-ихтиёрини бирорнинг кўлига бериб кўшиш ҳам қадр-қиммат чиннисини чил-чил қилип юборади.

• Орият, уялишининг ҳам чеки, меъён бор. Ўта ориятли бўлиш, ўз ҳақ-хукуқидан алриладиган, оғзидагини олдириб қўядиган одам ҳаёт насибалирадан бебахра қолади ва айни ҳолатда қадр-қимматини йўқотади. Ноўрин торинчиқоплик қилинаверса, одам дарё қирғоққа чиқарib ташланган соғон парчасидек кўтчиликдан четга сурлиб қолади. Инсоний гўзал фазилатларнинг «жилғаси» оқиб бориб, қадр-қимматли, эъзоз-жўтибори одамнинг қўзидан нур, юзидан сурур, хатти-харакатидан ёқимли гурур ёғилиб, унга гўзал, салобатли, покиза, адолат, улуғ шон-шавкат рамзини бағишилайди.

• Мехнат — бойлик манбаи.

• Мехнат инсон ҳаёти ва маданияти асоси.

• Мехнат инсонда ижодий куч ўйғотади.

• Инсон меҳнат билан камол топади.

• Мехнатсан топилган бойлик омонатидир.

Кисса. Бир ари кулфат ва машаққат билан бир donnini ташиб кетаётан чумолини кўриб унга айтиби:

— Эй чумоли, нега бунча ранжу аламни ўз устининг юкладинг, нега бунча машаққатни иштиркёр этдинг? Кел, яхшиси менинг ейишчишимга бир қара. Сен ҳам ундан баҳра ол. Мен хоҳлаган еримга кўнманам, хоҳлаган овқатимни ейман. Сен бўлсанг, битта дон унун шунча машаққат чекасан, — деди-да учбি бориб бир қассобинг сотиги турган гўстига устига кўнди. Қассоб пичоқ билан бир урган эди, у икки нимта бўлиб ерга тушди. Чумоли дарров келиб унинг ёғидан тишлаб усига олиб кета бошлади. Шунда ари чумолидан:

— Мени қаерга олиб кетаётисан? — деб сўйраган эди, чумоли:

— Мехнатсан текин томоқликинни балосига мубтало бўлганинг ҳоли мана шундай кечали, охири бориб ўзи ўзгага ем бўлади, — деб жавоб берди.

Байт:

Есам арина нонин меҳнат билан,
Шириндир бирорларнинг оқ
нониндан.

Униб-ўсиб келаётган ўш авлоднинг ҳуқуқий саводхон, маънан бар-камол бўлиб вояга етишлари бугунги кун талабидир. Хусусан, «Мехр ва муруват йили» дастури ижроси, Вазирлар Махкамасининг 2003 йилдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўридан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, оиласда тиббий маданиятни, аёллар ва болалар соглигини мустаҳкамлаш мақсадида «Сен «Оила» кодексини биласанми?» мавзуидаги шаҳар мактаб ўқувчилари ўтрасида ўтказилган кўрик-танлов ҳам ана шу эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилди.

Маклублар

ЗУККО ЎҚУВЧИЛАР
БЕЛЛАШДИ

Ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, «Софлом оила ва никоҳ», «Хукукшунос» каби дарсларда олган билимларини мустаҳкамлашга каратилган ушбу танлов аввал мактабларда, сўнгра туманларда ва ниҳоят шаҳар миқёсида бўлади. Ёшларнинг билимини ҳар томонлама синовдан ўтказган ушбу мусобақанинг биринчи босқичида 4300 га яқин, туман беллашувидаги эса 65 та жамоада 725 нафар ўқувчилар иштирок этилар.

Учинчи босқичда дастлаб Мирзо Улуғбек туманинг 18-мактабда русийзабон мактаблар ўқувчилари беллашди ва унда Миробод туманинг 94-мактаб галиблекни кўлга киридан. Шу мактабнинг 10-синф ўқувчиси Катя Ибраева эса зукколар беллашувининг «Энг билимдон иштирокчиси» деб топилди.

Аброр Хидоятов номидаги драма театрида ушбу кўрик танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туман галиблари бўлган 8 та

команда қатнашиди.

— Мақсадимиз ўқувчиларни ҳар томонлама ҳаётга тайёрлаш, — дейди биз билан сұхбатда Тошкент шаҳар Ҳалқ таълими бош бошқармаси «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиги Саида Абдураҳмонова. — Токи улар олётган билимларини амалда татбиқ эта олсинлар. Турмушда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликни ақла ва идрок билан енгиги ўтсинлар. Аср вабоси ҳисобланган гиёвандлик, ичқиликбозлик каби иллатлардан нари бўлсинлар.

Том маноидаги зукколар танлови иштирокчилари учта шарт бўйича беллашиб ўз билим ва ғидтидорларини намоён этилар. Ҳар томонлама тайёргарлик кўриланган мусобақада бира-бираидан пишиқ-пухта тайёрланган жавоблар, саҳна кўринишлари, намунали деворий газеталар ҳакамлар ҳайбатига голиби аниқлашда ёрдам берди.

— Ёшларимизнинг саҳнада ўзла-

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ БУНДАЙ
БЎЛМАЙДИ

Дам олиш куни уйимизга узок қариндошларимиздан бири Истроилкон ҳовликин келди.

— Кел, кел, чирогим, нечук шамол учирди, тинчликми?

— Бобо, онамизнинг йилларини ўтказаётган эдик. Шунга атайлаб ўзим сизни айтгани келдим.

— Овора бўлиб нима қилардинг, жиян. Шуни телефонда хабар қилиб кўя қолсанг, нима сендан хафа бўлармидим.

— Сизни бир кўрай, ҳам маслаҳатлашай деб келдимда.

— Үндай бўлса, бошқа гап. Кани ўтирчи. Албатта, тўй ва маърракалар бамаслаҳат, ихчам бўлгани яхши-да бўтам.

Истроилкон бир бошдан сайраб кетди. Сўзлари мазмунига кулоқ тутиб турсам гўё у наисининг маърракасини эмас, балки, дабдабали тўй ўтказаётгандек мағрур гапипрятти.

— Онамиз дунёга келиб нима кўрдилар. Биласиз, ҳатто ўлимларида ҳам бел боғлаб туриш, у кишини сўнгги йўлга кузатиш насиб этмади менга. Энди ҳеч бўлмаса маърракаларини яхшироқ ўтказиб, одамлар олдида ота-ўғил экан-

келади.

— Хулас, номдор домлани айтиб кўйганман. Яхши машшоқлар ҳам йўқ эмас. Қуръон тиловат орасида битта-яримта оғир қўйим, кўшикли янграб турса, даврага файз кириб турарди-да, нима дейиз, отахон?

Яна у бир нарсалар деди, кулоғимга кирмади. Хайрлаби чиқиб кетаётганида:

— Онангни Ҳудо рахмат қўлсин, аммо йиғинида қатнаша олмасам мени маъзур тутасан, — дедим унга.

— Нега, бобо?

— Сен мъярка ўтказаяпсанми ёки тўй киляпсанми? Ҳар қалай шунисига тушунмай турибман-да.

Истроилконнинг сўзи оғизда колди.

КОПҚОКСИЗ КУДУК

Бирор юмуш билан кўча-кўйда юрганимда бальзан усти ўпилмай қолган кудукларга кўзим тушиб қолади. Шундай кезларда дилим ранжиб, шунака ҳолат билан боғлик бальзи билан нохуш воқеа-ходисалар кўз ўнгимдан ўтади.

Якинда шаҳар канализация тармоклари идорасида ишловчи мутасади раҳбарлардан бири билан учрашиб қолдик. Унга дарҳол шу ҳақда сўз очдим.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

лигимни кўрсатай деймандага бобо.

У гап орасида иккита дош-қозонда 150 килограмм ош дамлашини, дастурхонга жиззали, гўшти, пиёзли, патишу оби нонлар тортилишигача айтиб ўтди. Сўнг сўзини тасдиқлаб олиш учун «Гапим маъқулми, бобо?» деб мендан маданинг кўйларига қарамай, аллақайси курортга дам олишига кетган бадбахт ўғли сен эмасмидинг? Тик эта эшик пойлаб, сўнгги марта сенинг висолингин кўриш пайдада жон таслим қололмай ётгангина ўғли сен эмасми? Энди унинг олдида гунохингни дабдабали маросим билан ювомчиликсан! Йўқ, назаримда сен бола мархума онанг олдидағи фарзандлик бурчинги эдо этишдан кўра, шу баҳона билан ҳам ўз обрўйинг, иззат-нафсингни ўйла-

— Эй отахон, — деди у куюниб. — Шаҳарда минглаб кудуклар бўлиб, уларнинг хаммасининг қопқоғи бор. Лекин кейинги вактларда хеч нарсани ўйламай, ҳатто йўловчилар ёки транспорт катнови, учун жуда хавфли эканлигини ҳам хаёлига келтирийади. Кудук, қопқони ўғирлаб кетадиганлар топилиб колди. Шундай ҳолларда бизга хабар килишса, албатта дарҳол унинг чорасини кўрамиз. Иложи борича ўша кудук устини копко билан тезорқ таъминлаш тараддудига тушамиз. Лекин бальзан бундай нохуш ҳоллар бизга этиб келиб колмайди. Ўша ерда яшовчи чирап ёки йўловчилар кўра-била туриб «Менга нима» қабилида иш тутишади. Усти очик қолган кудук ҳақида бизни огохлантиришмайди. Кўпинча шунака пайтларда наоратсиз қолган кудукларнинг усти анча вақтгача очиқлигича қолиб кетади.

Каранг, кимдир тузатиш, кимдир бузиш билан овора. Мутасаддилар бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиши, баъзин бирорлар эса уларнинг ортириб копқопларни ўғирлашдек нолойик ишларни килишдан тойишмайди. Хўш, улар шундан нима фойда кўраркин? Кимлардир ташвиш ортириб, бальзан эса ўзгалирга фожиа келтирадиган бу ўғирликдан келадиган даромад уларга буюрармикан? Одамларнинг қарғиши, бальзан эса бемаврид тўкилган кўз ёшлар ахир бир кун келиб унданларнинг ёқасидан тутмайдими? Албатта тутади. Сабаби инсон учун кўлчиликнинг қарғишидан кўра оғирроқ жазо йўқ.

Билиб көйгөн яхши ИССИК МИЖОЗЛАРГА

Гүштинг арабча номи «лах», форчеса «гүшт», хинда номи «мос»-дир. Олти ойдан кама ви бир ёшдаған ортиқ бўлмаган эчки ва қўй гўштлари этларнинг яхшиидир. Кенг яйловда эркин ўтлайдиган ҳайвон гўшти боғебағ бўқалидиганидан афзал ва яхшиидир. Ёввойи ҳайвонларнинг гўшти хонакиашганидан мазали бўлади.

Куруқ-иссиқ мижозли гўштларни зарарсизлантириш тадбири сирка, гўр узум суви ва ё билан амалга оширилади. Ҳўл-иссиқ гўштда эса кашнич, саримсоқ ва бошқалар асқотади. Таркибida пай бўлмайдиган гўштлар, масалан кўрак гўштлари ҳамда тил ширин ва тез ҳазм бўлади ва тўқ тутиди.

Куён гўшти қуруқ-иссиқ бўлиб, қовурилиб ейилса, ўпка ярасига қарши фойда қиласди. Сигир гўшти тўқ тутивидир. Ёш сигир гўшти тез ҳазм бўлади ва тўқ тутиди.

Мол гўштини пишириш учун қайнатилаётган вақтида озгина қовун пўстидан ташлаб юборилса яхши пишади. Сошлиқ қўйнинг гўшти ҳўллик ва қуруқликда мўътадил, тез ҳазм бўлувчи, тоза қон ҳосил қўйувидир. Бўталоқ (тая боласи)нинг гўшти кучли қуруқ-иссиқликдир. У оғир ва кучли жисмоний меҳнат билан шугулланувчиларга ва қўймич оғриғига мубтало бўлган кишиларга фойдали. От гўшти ҳам тая гўшти каби. У оғир жисмоний меҳнат қўйувчиларга наф қиласди. Ўртавча катталиклаги, масалан товуққа тенг келадиган қушлардан, чунончи, каклик, қирғовул, дурраж ҳамда бошқаларнинг гўштларидан уларга нисбатан кичик бўлган қушлар гўшти афзал. Ёввойи қушларнинг гўшти хонаки қушлар гўштига қарраганди ширин бўлади. Ёввойи қушларга юқорида санаб ўтганларимиз, хонакиларига эса жўжа товуқлар киради.

«Радио деталлари» дўкони ҳар қандай радио деталлари, компютерлар ва компютерларни бутловчи қисмлар, электрон техника, аудио ва видео ҳамда ўлчаш аппратуруларини харид килади ва сотади.

Телефон: 68-88-77

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон ҳалқ артисти

**ОБИДОН
ТОШКЕНБОЕВНИНГ**
вафот эттанилиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдиради.

ОҚ РАНГ

Оқ рангни ёқтирувчи кизлар ва аёллар одатда, ойлада қатъий, тарбияни ёқтирадиган бўлишлари билан бирга, озодагарчиликни, самимиийликни, яхши мумомалани хуш кўришади. Шунинг билан бирга, улар ўта ҳушчакчак, ёқимтот бўлишади.

ХАВО РАНГ

Одатда, хаво рангни ёқтирувчи киз ва аёллар ширин мумомалали, файратли, рўзгорда сарожом ва сарышталники ёқтирадиган бўлишади. Улар ўта хушер, Фики бузук одамларни асло ёқтирамайдилар. Энг мухими, хаво рангни ёқтирувчilar бир қарашдаёт йигит ёки эркак кишининг ички дунёсини билди олиши мумкин экан.

ҚЎҚ РАНГ

Қўқ рангни ёқтирувчи аёллар феъл-авторини ҳеч синаб кўрганимиз? Агар амалда синаб кўрсангиз, улар ҳар қандай мурракаб вазиятда ўзларини яхши тува биладиган, оғир-босик, одамларга иш юзасидан маслаҳатлар берадиган ақли, фаросатли, бирок баъзан жаҳдор, асоссиз танқидни хуш кўрмайдиган, одатда, кўрангли гулларни хуш кўрадилар. Азиз эркак ва бўйидоқ йигитлар, ранг танлашда асло хатога йўл қўйманг!

ЯШИЛ РАНГ

Яшил ранг ўзига хос жозибали бўлиб, унга хос гулларни хуш кўрадиган аёллар ҳам алоҳида бошқа рангли гулларни севувчилардан ажралиб турдилар.

Шуни айтиш керакки, яшил рангли гулларни ёки матони хуш кўрувчilar бошқа аёллардан ўзининг ораста юриши, оқила, одила, ҳар томонлама етуклиги,

ўзгаларга меҳр-муруватликлари билан ажралиб туришлари билан ўзгалар эътиборини хурматни қозонувчи бўлишларини унутманг!

САРИҚ РАНГ

Шуни айтиш керакки, сарик рангни ва ўша рангга хос гулларни барча аёллар

ёқтиравермайдилар.

Тўқ сарик рангни севувчilar ўзига хос феълга эга бўлишиб, ҳаётда шижотасиз, ўз фикридан осонлик билан воз кечадиган, ўзгарувчан булиши билан вафодор эркакларга фамхўр, ўта эътиборли, вактини бекор ўтказувчи, ҳаётда каммаракатли эркак ва йигитларни ёқтиришмай, ҳаётда жўшкни, қалби олов, серғайратларни ёқтириб, садоцатли ёр бўлишлари мумкин экан.

БИНАФША РАНГ

Бинафша — баҳор элчиси, унинг ўзига хос ранги, ёқимли исси инсон димонини чоғ этиди.

Бинафшани севишгандар бир-бириларига тақдим этишиди. Бирор, бу ранги севувчи аёллар, кизлар феъл-авторини билиш фойдалан холи эмасдир.

Одатда, бинафша рангни севувчи аёллар, кизлар кибр-хавога берилган, қалбан ва асли гузал табииати, таннозрок, кўпроқ дам олиши ёқтиришлари билан бирга им-хунарда тинмай изланышда бўлганларнинг ёқтиришади.

ҚИЗИЛ РАНГ

Кизил рангни ҳалқ артисти Тамарахонимдай хуш кўривчи аёл республика мизда кам бўлса керак. Санъаткор матодан тортиб, туфлигача кўйингни, барча сардолари кизил рангда бўлиб саҳнага куатилган экан.

Сарик рангни севувчи аёллар ўз ёларига хиёнат қилмайдиган, садоцатли, вафодор бўлишлари билан бирга, алдашни жини ёқтирадиган бўлишларини.

ТЎҚ САРИҚ РАНГ

Кизатувлар шуни кўрсатганки, тўқ сарик рангни барча аёллар ва кизлар ҳам

«Ч» ХАРФЛИ АЙЛАНМА КРОССВОРД

Шаклда белгиланган хонадан ракам атрофига соат мили йўналишида: 1. Астрономияга оид асарида: «Кўёшни ўзидан нур таратувчи сайдараларнинг маркази деб хисоблаш мумкин», деган фикри бәён этган ўтга аср олими. 2. Жанубий Америкадаги давлат. 3. Чумчуксимонлар оиласига мансуб, патлари кора, гала бўлиб юрувчи парранда. 4. Сув кучи билан айланувчи кадимий куримларнинг яна бир номи. 5. Баъзи турлари экинларга зарар келтирувчи ҳашарот. 6. Максадни рўёбга чиқарашдаги тадбирлар мажмуми. 7. Адабийт соҳасидан Нобель мукофотига сазовор бўлган инглиз давлат ва сиёсатарби. 8. Металл буюмларни ясовчи хунарманд. 9. Коса, товоқ қаби идишларга нарса солиб осиб кўйишга мўлжалланган ҳалқа мослам. 10. Сувнинг буғланишини камайтиришга хизмат қўйувчи модда. 11. Таймир ярим оролининг шимолий чеккаси, Евроосиё материгининг ён шимолий нуктаси. 12. Иччам ва шинам. 13. Россия Федерациясининг Байкал ортидаги вилояти. 14. От чоптириш, улок чопишиустаси. 15. Ҳинд адиби, таҳаллуси номидан Прем... 16. Гулзор, обод маскан. 17. АҚ-Шдаги энг йирик савдо-сотик банкларидан бири номидан «...манхэттен банк». 18. Томга ёпиладиган навали сопол ёки тунука ашэ.


МУАММОНОМА

Оқич сўзлар: 1. Сим торли, уриб чалинадиган мусиқа асбоби — 2, 1, 9, 4.
2. Сарфланган моддий маблаг, ҳаражат — 2, 3, 8, 3, 6.
3. От-улов абзали тури — 5, 4, 1, 9.
4. Рангли метал — 6, 3, 7.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очкин сўзларидаги ҳарфлар билан алмаштириб мумаммономани ҳал этинг. Бунда улардан ўзбек ҳалқ мақолини билиб оласиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Бўши вактиниизда



Газетанинг шу йил 26 марта сонидаги берилган ТОПШИРИКЛИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ахлоқ, Қовун, Анжир, Канал, Игрек, Қадам, Абжир, Ариза, Баҳор, Ирод, Бозор, Бодом, Адрас, Мақол, Омбор, «Ягуар», Саман, Палов, Оқила, Тибет, Флора, «Насаф».

Мақол: Хонаға жиҳоз, одамга либос.

Нашрии етказиб бериш масалалари бўйича турер жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига муроҳат килишиниз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компютер марказида терилиши ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-йчада.



Бош мұхаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНАР:

хатлар — 133-29-70;
ълончлар — 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тобефт
усулида болсанди. Қозғичини А-